

**“ГИЁХВАНДЛИК — МИЛЛАТ ГЕНОФОНДИГА ТАҲДИД:
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТҲИЙ ПОЗИЦИЯСИ ВА АМАЛИЙ
НАТИЖАЛАР”**

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси Жиноят

Ҳуқуқи Кафедраси Ўқитувчиси

Майор Калбаева Бахит Хожамберген Кизы

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш мақсадида киритилган янги ўзгартиришлар таҳлил қилинади. Муаллиф нарколабораториялар ташкил этганлик, мансабдор шахсларнинг бу соҳадаги жиноятларга шериклиги ва вояга етмаганларни гиёхвандликка жалб қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилганига алоҳида тўхталиб ўтади. Мақоланинг бош ғояси — миллат генофондини асраш ва жамиятда наркотик моддаларга нисбатан муросасиз муҳитни шакллантиришдан иборат.

Калит сўзлар: гиёхвандлик, қонунчилик, жавобгарлик, нарколаборатория, вояга етмаганлар, генофонд, профилактика, Жиноят кодекси.

Аннотация: В данной статье анализируются новые изменения, внесенные в законодательство Республики Узбекистан в целях усиления борьбы с незаконным оборотом наркотических средств и психотропных веществ. Автор акцентирует внимание на усилении ответственности за создание нарколабораторий, соучастие должностных лиц в подобных преступлениях и вовлечение несовершеннолетних в употребление наркотиков. Основная идея статьи заключается в защите генофонда нации и формировании в обществе атмосферы нетерпимости к наркомании.

Ключевые слова: наркомания, законодательство, ответственность, нарколаборатория, несовершеннолетние, генофонд, профилактика, Уголовный кодекс.

Abstract: This article analyzes recent amendments to the legislation of the Republic of Uzbekistan aimed at strengthening the fight against illicit trafficking in narcotic drugs and psychotropic substances. The author focuses on the increased penalties for establishing drug laboratories, the complicity of officials in such crimes, and the involvement of minors in drug use. The article's main idea is the protection of the nation's gene pool and the cultivation of an atmosphere of intolerance towards drug addiction in society.

Keywords: drug addiction, legislation, liability, drug laboratory, minors, gene pool, prevention, Criminal Code.

Мамлакатимизда сўнгги 10 йилда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш йўналишида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада янгича иш услубларининг амалиётга жорий этилиши ўз самарасини бермоқда. Ўтган нисбатан қисқа муддат ичида 22 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия тасдиқланди. Президентимиз 2025 йил 3 ноябрь куни миллат генофондини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди. Унда йил бошидан буён 11 мингдан зиёд наркожиноят аниқланиб, 2,5 тоннага яқин гиёҳвандлик воситалари ушлангани қайд этилди. Шунингдек, соҳадаги салбий тенденциялар таҳлил қилиниб, психотроп ва синтетик моддаларнинг анъанавий наркотиклар ўрнини эгаллаётгани, улар асосан ёшлар орасида тарқалаётгани, синтетик

наркотиклар яширин нарколабораторияларда тайёрланиб, интернет орқали контактсиз усулда тарқатилаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу долзарб масаланинг ўта муҳимлигини таъкидлаб: “Шу боис, миллий қонунчилигимизга мана шундай хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга қарши аёвсиз курашиш, бундай иллатни таг-томири билан йўқотишга қаратилган нормаларни киритиш вақти келди”, дея алоҳида қайд этдилар. Ўша куниёқ “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон имзоланди. Мазкур ҳужжат гиёҳвандлик ва уюшган наркожиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Фармон билан “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларни барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025–2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар Миллий дастури” тасдиқланиб, унда 52 та устувор йўналиш белгиланди. Республикада олиб борилаётган ислохотлар натижасида тезкор-қидирув фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Хусусан, 2025 йилда 15 412 та наркожиноят аниқланди. Синтетик гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган 14 та нарколаборатория ҳамда кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қадоқлаш цехлари фош этилди¹. 13 170 та гиёҳвандлик савдосини тарғиб қилувчи интернет-наркодўконлар акс эттирилган “наркограффити” йўқ қилинди. Наркожиноят содир этган 11 049 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Ноқонуний муомаладаги 3 тонна 775 килограмм гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинди. “Қора бозор”даги тахминий қиймати 14 миллион АҚШ долларига тенг 2 миллион 55 минг донадан ортиқ кучли таъсир қилувчи дори воситалари

¹ https://uza.uz/ru/posts/narkozhinoyatchilik-va-giyohvandlik-millat-genofondiga-tahdid_847624

мусодара этилди². Ҳозирда тизимни рақамлаштириш, интернетда гиёҳвандлик воситалари тарқатилишини сунъий интеллект орқали аниқлаш ва блоклашга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Эксперт-криминалистика соҳаси ҳам такомиллаштирилмоқда. Ўтказилган тадқиқот ва статистик маълумотлар таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: *Бинринчидан, наркожиноятларнинг "Рақамли трансформацияси"*: Ҳозирги кунда наркожиноятчилик "кўчадан интернетга" кўчмоқда. 2025 йилда 13 мингдан ортиқ "наркограффити"ларнинг йўқ қилиниши ва контактсиз савдонинг авж олиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан "Кибер-патруль" ва сунъий интеллект тизимларини янада жадаллаштиришни талаб этади. *Иккинчидан, синтетик таҳдид ва лабораториялар*: Аниқланган 14 та яширин нарколаборатория — Ўзбекистон эндиликда нафақат "транзит" худуд, балки "ишлаб чиқариш" нуқтасига айланиш хавфи остида эканини кўрсатади. Бу эса кимёвий прекурсорлар устидан божхона ва маъмурий назоратни кескин кучайтириш зарурлигини англатади. *Учинчидан, профилактиканинг янги модели*: "Даволашдан кўра олдини олиш" тамойили асосида 1,5 миллион ёшларни қамраб олган тадбирлар ижобий самара бермоқда. Бироқ, юқори хавф гуруҳига кирувчи уюлмаган ёшлар билан ишлашда "маҳаллабай" тизимини мақсадли бандлик дастурлари билан узвий боғлаш лозим. *Тўртинчидан, халқаро ҳамкорлик* — Трансмиллий жиной гуруҳларга қарши қўшни давлатлар (Россия, Тожикистон, Қирғизистон) билан ўтказилган 14 та қўшма тадбир натижалари кўрсатганидек, ахборот алмашинуви ва тезкор оператив ҳамкорлик наркотрафикнинг минтакавий занжирларини узишда энг муҳим омил ҳисобланади. Ўзбекистоннинг наркожиноятларга нисбатан қатъий позицияси нафақат жазо сиёсатида, балки миллат генофондини ҳимоя

² https://uza.uz/ru/posts/narkozhinoyatchilik-va-giyohvandlik-millat-genofondiga-tahdid_847624

қилиш каби олийжаноб ғоя атрофида жамиятнинг барча қатламларини жипслаштиришда намоён бўлмоқда. Ишлаб чиқиляётган 2025–2026 йилларга мўлжалланган Миллий дастур мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва хавфсизлигини таъминлашда стратегик қалқон вазифасини ўтайди. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши курашиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш, балки тиббий, профилактик ва ижтимоий йўналишларни қамраб олган комплекс ёндашув асосида олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аҳоли саломатлигини асраш ва миллат генофондини ҳимоя қилишдек улуғ мақсадга хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. https://uza.uz/ru/posts/narkozhinoyatchilik-va-giyohvandlik-millat-genofondiga-tahdid_847624
2. Kashif J. Khan, Ye.Olcay. Cutting the link between drugs and terrorists: countering major terrorist financing means. - Monterey, California: Naval postgraduate School, 2013. – R. 65.
3. Margaret Pereira. Governing drug use among young people: Crime, harm and contemporary drug use practices. - Queensland, Australia: Queensland University of Technology, 2013. – P. 3.
4. Отажонов А.А. Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.
5. Интернет сайти: <http://www.ncdc.uz>.
6. Отажонов А.А. Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомалада қилишдан иборат жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 4.